

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**КАЗАХСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМ. АЛЬ-ФАРАБИ**

**КАЗАХСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМ. С.Д. АСФЕНДИЯРОВА**


**РЯЗАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ АКАДЕМИКА И.П. ПАВЛОВА**



Научно-практической конференции с
международным участием на тему:
**СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ГИГИЕНЫ
И МЕДИЦИНСКОЙ ЭКОЛОГИИ”**

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

28 ноября 2023 года

ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗУВЧИ АЁЛЛАР ОРГАНИЗМИ ИММУН ГИЗИМИДАГИ УЗГАРИШЛАР
60. U.Sh..Maxamatov, N.R.Usupova, M.A.Xabibullayeva
SOG'LOM OVQATLANISH
61. MARDONOVA S.M., NIYAZOVA S.E
MEHNAT GIGIENASI VA KASB KASALLIKLARI
62. Нурмаматова К.Ч ¹ , Рустамова Х.Е. ¹ , Зиядуллаев Ш.Х ²
ЭКОЛОГИЯ И ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ
63. Naimova Zaynab Sattarovna
KIMYO ZAVODIGA YAQIN HUDUDLARIDA YASHOVCHI BOLALAR VA O'SMIRLARDAGI ANTROPOMETRIK KO'RSATGICHLARI VA SOG'LOMLIK HOLATI
64. Нажмитдинова Гулжахон Комилжон кизи
ПИЩЕВЫЕ ВОЛОКНА – ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ИНГРИДИЕНТ
65. Muxammadova G.Q., O'rinboyev F.SH.
ATROF-MUHITNING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI VA PROFILAKTIK CHORA-TADBIRLAR
66. Ташиева Н.С., Мадаханов А.С. 
ОРОЛБЎЙИ АХОЛИСИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА ЭТИО- ПАТОГЕНЕТИК ЁНДОШУВНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙМАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУЛОХАЗАЛАР.
67. Пушкина Н.В. ¹ , Дикусар Е.А. ²
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КАЛИЕВОЙ СОЛИ 1,1'-ФЕРРОЦЕНДИКАРБОНОВОЙ КИСЛОТЫ В КОМПЛЕКСЕ С СВЧ ОБЛУЧЕНИЕМ ДЛЯ ПРЕДПОСЕВНОЙ ОБРАБОТКИ СЕМЯН ЛЬНА ДОЛГУНЦА (LINUM USITATISSIMUM L.)
68. ¹ Teshaboyev Azizbek., ² Raxmonqulova Xumora Abduqahhor qizi.
BOLALARDA NOTO'G'RI OVQATLANISHNING SALOMATLIGIGA TA'SIRI
69. Ramazonov Baxtiyor Ramazonovich
BIOXILMA-XILLIKNI ASRASH INSONIYAT OLDIDA TURGAN ENG DOL- ZARB MUAMMO
70. Раджабов Закир Нармуратович
ВЛИЯНИЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА
71. Раджабов Закир Нармуратович.
Окружающая среда и здоровье человека
72. Radjabov Jakir Normuradovich., Uralov Ulugbek Baxriyevich.
IONLOVCHI NURLANISH BIOLOGIK TA'SIRINING ASOSIY QONUNI- YATLARI
73. Rasulova Shoiraz Azizovna.
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ MA'NAVIY TA'LIM JA- RAYONIGA TAYYORLASHNING NAZARIY PEDAGOGIK ASOSLARI
74. Salomova F.I., Sherquzieva G.F., Iskandarov A.B., Urmanova L.J.

chiqindilarni hosil qilish darajasining pasayishiga olib keladi va natijada inson salomatligini yaxshilashga imkon beradi.

- Mashinalarni elektro mobillarga o'tkazish,
- Kam yonilg'i sarflaydigan divigatellar ishlab chiqish,
- Zavodlarning pechka mo'rilariga filtrlarni o'rnatish,
- Polietilen salafanlarni ekologik toza maxsulotlar qog'oz, matoga o'zgartirish,
- Yashil maydonlarni ko'paytirib bog' tashkil etish,
- Chiqindilarni qayta ishlash korxonalarini ko'paytirish va ularga e'tibor qaratib qo'llab quvvatlash.

Shu kabi atrof-muxitga va inson salomatligiga jiddiy ta'sir ko'rastuvchi omillarga qarshi ishlarning olib borilishi ekologiyaning, atrof-muhitimizning tozalanishga olib keladi

Xulosa o'rnida shuni, ta'kidlamoqchimizki aholi salomatligini saqlashda atrof muhitning tozaligi eng muhim omillardan biri xisoblanadi. Ekologik madaniyat insonlarda yoshlikdan, oiladan shakllanishi kerak. Bizni xulosa sifatida beradigan yangiligimiz shuki yashayotgan xududingizda tozalikka, ozodalikka, farzandlarimizni yoshlikdan tarbiyalash maqsadida shahar va qishloq xududlarida axlat tashlash joylarini faqat maxsus idishlardan iborat bo'lib qolmasdan ekologiyaning buzulishiga ta'sir ko'rastuvchi omillar tasvirlangan g'oyalar aks etgan rasmlar tasvirlansa maqsadga muvofiq bo'lardi. Chunki uydagi chiqindilarni tashlash uchun ko'pincha ota-onalar farzandlariga tayinlashadi. Ular esa ko'p xollarda chiqindilarni belgilanmagan joylarga tashlab ketishadi. Ular bu to'planayotgan chiqindi mahsulotlarini zararli oqibatlarini rasmlar yoki 3D formatda ishlangan ko'rgazmalarni ko'rganda chiqindilarni turli yo'l chetlariga tashlab ketishlari salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkinligi hamda tabiatni asrab avaylash to'g'risida ijobiy fikrlar paydo bo'lishi uchun oz bo'lsada turtki bo'lar edi. Shu bilan birga yashil o'simliklarning kishi salomatligiga ijobiy ta'siri, chiqindi moddalaridan ajralib chiqadigan gazzimon zararli moddalarni qayta o'zlashtirishdagi roli to'g'risida keng qamrovli ishlar olib borish albatta o'z samarasini beradi.

ОРОЛЬЎЙИ АХОЛИСИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА ЭТИО-ЭКОЛОГО-ПАТОГЕНЕТИК ЁНДОШУВНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУЛОХАЗАЛАР

Ташиева Н.С., илмий ва даволаш ишлари бўйича проректор, профессор,
Марказий Осиё халқаро медицина университети, Джалал Абад шаҳри,
Қирғизистон Республикаси.

Мадаханов А.С., ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни бошқариш
кафедрасининг катта ўқитувчиси, т.ф.н., Андижон давлат тиббиёт институти,
Андижон шаҳри
Ўзбекистон Республикаси.

мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотнинг мақсади. Оролбўйи аҳолисини соғломлаштиришга доир чора тадбирларнинг самарадорлигини оширишда этио-эколого-патогенетик ёндошувнинг назарий ва ташкилий асосларини яратиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Оролбўйи аҳолисинининг сиҳат-саломатлигига онд турли манбаалардан олинган маълумотлар ва уларни тизимли таҳлил ва тизимли ёндошув тамойилларига таянган ҳолда ўрганиш ва инновацион таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Натижалар. Бугунги Ўзбекистон билан Қозоғистон худудида жойлашган Орол денгизига XX асрнинг 60-йилларигача Амударёдан 38, куб км. Сирдарёдан 14,5 куб км. сув келиб қуйилган, 5,5 куб км. ер ости сувлари ҳам қўшилиб турган. Мутахасисларнинг фикрича, кейинчалик бир томондан собиқ Совет тизими даврида сувни кўп талаб қиладиган пахта ва шоли етиштириш, Марказий Осиёда жойлашган республикалар ҳаётининг асосий мазмунига айланиб қолиши натижасида Орол денгизи шаклланишининг асосий манбайи ҳисобланган ушбу дарёлардан сувнинг қуйилиш миқдорининг кескин камайиб кетиши кузатила бошлади. Иккинчи томондан, шу даврда минтақа худудида кечаётган чўллашув жараёни ҳам ўзини янада яққолроқ намоён қилиши қайд этилди. Олимларнинг фикрича, асосан ушбу икки сабаблар оқибатида Орол денгизинининг сатҳи, бугунги кунда қариб 150 км.гача камайиб кетган. Ушбу ҳол ўз новбатида, бир пайтлар гуллаб -яшнаган ҳудуд аҳолиси яшаш шароити ва турмуш тарзининг ёмонлашувига олиб кела бошлади.

Маълумотларга қараганда, Орол денгизининг қуриб қолган тубидан ҳар йили қариб 75 млн. тонна таркибида зарарли моддаларни сақлайдиган чанг кўтарилаётган ва 1000 км масофали атроф муҳитга тарқалар экан.

Юқорида қайд этилган табиий-иқлим шароитларининг ўзгариши, худудда яшаётган аҳоли яшаш шароити ва турмуш тарзининг ёмонлашуви, ҳамда ула организми морфо-функционал хусусиятларининг ўзига ҳос жиҳатлари каби иче ва ташқи омил ва шароитлар мажмуасининг таъсирида қатор касалликлар келтириб чиқаришига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, Оролбўйи аҳолисининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, нафақа Ўзбекистон Республикаси учун балки бутун регион учун, давримизнинг муҳим ва долзарб муаммолари-дан ва уларга ечим топиш эса муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Биз тиббиёт вакилларининг фикримизча, минтақа аҳолисининг сиҳат-саломатлигини, бугунги ҳолати нуқтаи назардан баҳолаш ва уни шакллантириш сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларига янгича – **ЭТИО-ЭКОЛОГ ПАТОГЕНЕТИК ЁНДАШУВ** керак. Ушбу ёндашув туб мазмун ва моҳиятидан Орол денгизи фожиаи ва у билан боғлиқ аҳоли соғлиғи ёмонлашувининг оддини олиш, беморларни даволаш ва соғломлаштириш, реабилитация амалларининг сифатли бажарилишига ва самарали бўлиб таъминлашда, минтақадаги салбий омиллар таъсиридан фориқ худудда соғломлаштирувчи омил ва хусусиятларидан кенг фойдаланишни на жиҳатдан асослашни ва амалда ташкил этишни тақозо этади.

Маълумки, минтақага кўмаклашиш ҳамкорлик дастурининг биринчи фазасига биноан 2012 йилдан бошлаб 2016 йилгача БМТ нинг Ўзбекистондаги турли йўналишларда фаолият олиб бораётган агентликларининг ҳаракатлари бирлаштирилди. Сўнгра, "Орол денгизи фожиясидан жабрланганларнинг ҳаётга чидамлилиқ потенциалини Оролбўйи кишиларининг ҳафсизлигини таъминловчи кўп партнёрлик жамғармасини яратиш орқали мустаҳкамлаш" дастурининг иккинчи фазаси бошланди. Дастурининг биринчи ва иккинчи босқичларининг ҳаётга тадбиқ этилиши албатта минтақа аҳолисининг сиҳат-саломатлигини ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг 29 августида қабул қилган 255-сонли Қарорида белгиланган комплекс дастур асосида олиб борилган тадбирлар Орол фожиясининг асоратларини юмшатиш, Оролбўйи минтақасини 2015 –2018 йилларда тикланиши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мустаҳкам асосини яратди. Натижада, Оролбўйи аҳолисининг сиҳат-саломатлиги даражаси кўтарилишига ижобий таъсир этаётганлиги кўзатила бошлади.

Муйнақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан Орол денгизининг қуриб қолган туби ҳудудларида кўкаламтириш ишлари давом этмоқда. Саксаул кўчатларидан яратилаётган ўрмонли ҳудудлари тубидан атмосферага захарли тузлар ва қумнинг учирилиш жараёнини тўхтатиш бўйича ўзининг самарасини бера бошлайди. Жумладан, мутахассисларнинг таъкидлашича ушбу ўрмонлар захарли тузлар ва қумнинг атмосферага кўтарилиш жароёнини икки йилдан кейиноқ 20% га, беш йилдан кейин 70 % га камайтиради, 10 йилдан сўнг эса, бутунлай тўхтатиб қола олади.

Оролбўйи минтақасида махсус дастурлар асосида кенг кўламли ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий маърифий тадбирларнинг тизимли равишда, изчиллик билан олиб борилаётганлигига қарамасдан, шимолий ва жанубий ҳудудларда қатор масалалар ўзларининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бу борада, айниқса, ушбу минтақа аҳолисининг сиҳат-саломатлиги билан боғлиқ масалалар олимлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик эътиборини ҳар қачонгидан кўпроқ тортмоқда.

Фикримизча, Оролбўйи аҳолисини этио-эколого-патогенетик ёндошув асосида соғломлаштириш ишларини ташкил этишда Муйнақ ва Аральскда фаолият юритаётган даволаш-профилактика муассалари билан Арал денгизи тубидан кўтарилаётган чангнинг зарралари етиб бормайдиган олисликдаги масофада жойлашган сиҳатгоҳлар, туристик дестинациялар ўртасида кластер тизимини яратиш зарур. Ушбу мақсадда, нафақат Ўзбекистон ва Қозоқистон республикалари, балки Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларнинг, айнан Арал денгизи тубидан кўтарилаётган чангнинг зарралари етиб бормайдиган масофада жойлашган сиҳатгоҳлар ва рекреацион дестинацияларнинг имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Бу борада, кластернинг самарали фаолият қилишини таъминлаш, информацион-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Ушбу ҳол ўз новбатида, соҳа мутахассисларини ва ходимларини

тайёрлашдек ва уларни техника, ҳамда махсус дастур билан таъминлаш вазифасини кўяди. Оролбўйи худудида фаолият юритадиган даволаш-профилактика муассалари, аввало Ўзбекистон Республикаси ва кўшни давлатлардаги сихатглҳлар ва рекреацион дестинацияларнинг фаолият турлари ва имкониятларини аниқ билишлари ва йил давомида уларга минтақа аҳолиси орасидан на фақат беморларни, балки соғлом ва амалда соғлом гуруҳига мансуб кишиларни ҳам юборишни ташкил қилади. Оролбўйи аҳолисини Орол денгизи фожнасининг асоратлари сифатида юзага келган зарарли омиллар таъсиридан, кенг маънодаги вақт ва масофа орқали химоя қилишни ташкил қилишда, минтақадан илмий жиҳатдан асосланган олисликдаги масофада жойлашган сихаттоҳлар ва рекреацион дестинацияларнинг роли ва маъсулияти катта. Ушбу муассасалар ва дестинацияларда дам олиш ва даволаниш-соғломлаштиришга келганларга кўрсатиладиган ёрдамнинг турлари, ҳажми ва сифати ҳам илмий жиҳатдан асосланган ва бунда аввало ўша жойларнинг табиий шифобаҳд воситаларидан фойдаланишга кенг ўрин берилиши керак.

Хулоса ва таклифлар. Оролбўйи аҳолисини соғломлаштиришнинг назари ва амалий масалаларига этио-эколого-патогенетик ёндашув мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу ёндашувнинг самарадорлиги Оролбўйи минтақасида даволаш-профилактика муассасалар билан бу ердан илмий жиҳатда асосланган олисликдаги масофада жойлашган сихаттоҳлар ва рекреацион дестинациялар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлик даражасига боғлиқ. Оролбўйи аҳолисини соғломлаштиришда этио-эколого-патогенетик ёндашувнинг назари ва амалий томонлари ва уларга таъсир этувчи омиллар динамика мониторингини олиб бориш мақсадга

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КАЛИЕВОЙ СОЛИ 1,1'- ФЕРРОЦЕНДИКАРБОНОВОЙ КИСЛОТЫ В КОМПЛЕКСЕ С СВЧ ОБЛУЧЕНИЕМ ДЛЯ ПРЕДПОСЕВНОЙ ОБРАБОТКИ СЕМЯН ЛЬНА ДОЛГУНЦА (*LINUM USITATISSIMUM L.*)

Пушкина Н.В.¹, Дикусар Е.А.²

¹НИУ «Институт ядерных проблем» БГУ, г. Минск, Беларусь

²ГНУ «Институт физико-органической химии НАН Беларуси», г. Минск
Беларусь

Предпосевная обработка семян играет важную роль в растениеводстве особенно, такой требовательной к возделыванию культуры, как лен-долгунец. Лен является одной из важнейших технических культур Республики Беларусь. Одной из задач данной отрасли является увеличение продуктивности льна, при этом снижение себестоимости обработки. Для достижения этих целей большое значение имеет активное внедрение в производство прогрессивных технологий возделывания льна, среди которых может использоваться комплексное воздействие электромагнитных волн сверхвысокочастотного диапазона (ЭМ СВЧ) с калиевой солью 1,1'-ферроцендикарбоновой кислоты. Калиевая соль 1,1'-ферроцендикарбоновой кислоты это производная ферроцена – одного из наиболее известных металлоорганических соединений, представитель класс сэндвичевых структур, а именно – производное бис-η'